

ПРЕЗИДЕНТ ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСИННИГ ПЛЕНАР МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

ҚР Президенти күчма мажлисгача Парламент Мажлисидаги сиёсий партиялар етакчилари олдида нұтқ сүзлаб, ҚР Бөш вазири лавозимига Алихан Смайиловнинг номздони тақлиф қилды.

Фракция етакчилари Алихан Смайиловнинг номздони бир овоздан маъқулладилар.

Сүңг Қ. Тұқаев ҚР Конституцияси 44-модасига мувоғиқ Парламент Мажлиси эътиборига Қозогистон Республикасы Бөш вазири лавозимига Смайилов Алихан Асханулининг номздони тавсия қилды.

– Қозогистон Республикасы Бөш вазири лавозимига тайинлашга розилик беріш учун Алихан Асханули Смайиловнинг номздони Парламент Мажлиси эътиборига тавсия қиласынан.

У тажрибали мутахассис, меҳнатсевар давлат хизматчысы. Статистика бўйича агентлик раиси, Президент ёрдамчеси, Молия вазири, Бөш вазирнинг биринчи ўринbosari лавозимларида фаолият юритди. Қозогистон иқтисодиёти келажаги ҳақида дунёқараши кучли. Аниқ режаси бор. Алихан Асханули Ҳукумат фаолиятини яхши билади. Ўзига юклатилган вазифаларни обрў билан амалга оширишига ишонаман, – деди Президент.

Сиёсий партиялар фракция раҳбарлари, Парламент Мажлиси депутатлари Алихан Смайиловнинг номздони қўллаб-куватлашди.

Таҳлиллардан сүңг овоз берилиб, Мажлис Президентнинг Алихан Смайиловни Ҳукумат раҳбари лавозимига тайинлаш бўйича тақлифига розилик берди.

Кўчма мажлисда Қ. Тұқаев Алихан Смайиловни Бөш вазир лавозимига тайинлаш ҳақидаги Фармонга имзо чекди.

Akorda.kz

ҲУКУМАТНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Қозогистон Республикаси Президенти Қ. Тұқаевнинг Фармони билан:

Роман Васильевич Склар – Қозогистон Республикаси Бөш Вазирининг биринчи ўринbosari;

Ералы Лукпанулы Тұғжанов – Қозогистон Республикаси Бөш Вазири ўринbosari;

Мухтар Бескенулы Тилуберди – Қозогистон Республикаси Бөш Вазири ўринbosari – Ташиқ ишлар вазири;

Бақыт Турлиханулы Султанов – Қозогистон Республикаси Бөш Вазири ўринbosari – Савдо ва интеграция вазири;

Ғалимжан Телманулы Құйшибаев – Қозогистон Республикаси Бөш Вазири Идораси раҳбари;

Мурат Карібайулы Бектанов – Қозогистон Республикаси Мудоғаға Вазири;

Ерлан Заманбекулы Түргимбаев – Қозогистон Республикаси Ички ишлар вазири;

Асқар Құанишулы Үмаров – Қозогистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазири;

Ербұл Ширақпайулы Қарашүкев – Қозогистон Республикаси Қышлоқ хўжалиги вазири;

Қанат Сергејулы Мусин – Қозогистон Республикаси Адлия вазири;

Асхат Қанатулы Аймагамбетов – Қозогистон Республикаси Таълим ҳамда фан вазири;

Ажар Ғиният – Қозогистон Республикаси Соғлини сақлаш вазири;

Серик Жамбилиулы Шапкенов – Қозогистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири;

Қайирбек Айтбайулы Үскенбаев – Қозогистон Республикаси Индустря ва инфратузилмавий тараққиёт вазири;

Ерулан Қенжебекулы Жамаубаев – Қозогистон Республикаси Молия вазири;

Даурен Аскербекулы Абаев – Қозогистон Республикаси Маданият ва спорт вазири;

Юрий Викторович Ильин – Қозогистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири;

Алибек Сакенулы Қуандыров – Қозогистон Республикаси Миллӣ иқтисодиёт вазири;

Бағдат Батирбекулы Мусин – Қозогистон Республикаси Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноати вазири;

Серикқали Аманғалиулы Брекешев – Қозогистон Республикаси Экология, геология ва табиии захиралар вазири;

Бўлат Ўралули Ақшўлақов – Қозогистон Республикаси Энергетика вазири лавозимларига тайинланди.



TURKISTAN

jənubiy.kz

Жанубий Қозогистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 13 январь, пайшанба. №4 (3057).

“МУДҲИШ ЯНВАРЬ” САБОҚЛАРИ: ЖАМИЯТ БИРЛИГИ – МУСТАҚИЛЛИК ГАРОВИ



ДАВЛАТ РАҲБАРИ Қ. ТҰҚАЕВНИНГ ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ ЙИФИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хурматли Раис!

Қадрли Мажлис депутатлари!

Мустақиллик тарихида биз илк бор жуда мураккаб ва хавфли даврга дуч жудик. Юрт бошига тушган бундай синовни ягона мушт каби эл бўлиб бартараф этдик.

Энди бундай вазиятга ҳеч қачон йўл бермаслигимиз керак.

Шу сабабли, элемиз дучор бўлган оғир кўнгилсизлик сабабларини саралаб, унинг оқибатларига аниқ баҳо бериш – олдимизда турган жуда муҳим вазифа.

Афсуски, бугунги кунда ҳалқ орасида рўй берган воқеага турли қарама-қарши, ҳақиқатдан йироқ, ёлғон ахборотлар тарқаб кетганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бунга, албатта, қатор сабаблар бор: баъзи фуқароларимиз вазиятни яхши билмай туриб, нотўғри фикрласа, баъзилари маълумотларни атайн чалкаштириб, аҳволни янада чигаллаштироқда.

Бироқ, бизга факат ҳақиқат керак. Шу сабабли, воқеаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, айтадиганим: йил бошидан бўён ўрин олган барча воқеалар – бир тизимнинг тармоқлари дейишига тўлиқ асос бор.

Очиини айтганда, бу бир неча йил давомида пухта ўйланган зулмкорликнинг кўриниши. Уларнинг мақсади – ўзларининг ваҳшиёна режаларини амалга ошириш бўлганинг ойдек равшан.

Жамбилил вилоятидаги тартибсизликлар, миллатлар орасига фитна солиш, зиддиятлар, шулар жумласидан.

Уларнинг усталик билан тузган сценарийлари, жумладан, митинг-намоишларни жамиятимизнинг уйғунлигига раҳна солди.

Улар фитнай йўли билан аниқ радикал мақсадларига эришиш йўлида олға интила бошладилар.

Ваколатли идора сифатида, ҳатто, Миллий хавфсизлик қўмитаси ҳам ушбу бузғунчиликка аниқ баҳо беролмади, беришни истамади ҳам. Улар миллий хавфсизликка қарши аянчли таҳдидни сезишмаган.

Босқинчилик ташкилотчилар ҳар қандай вазиятда ҳам зарур бўлган сабабни излай бошладилар.

Автогаз баҳосининг ошиб кетиши туфайли юзага келган аҳоли норозилигидан улар дастак сифатида фойдаландилар. Ундан кейин воқеа спирал кўринишида ривожланиб кетди. Занжирнинг биринчи бўғинида ҳудудларда намойишлар бошланди, жумладан, Жанаўзенда. Иккинчидан – уларга қароқни ва талонилар кўшилишди. Ўндан сўнг, куролланган террорчилар, жумладан чет эллик жангарилар иштироқида “қайноқ” ҳолат давом этди.

Шундан сўнг уларнинг асл мақсадлари – давлат бошқаруви институтларини қайта тузиш, конституцион тизимни бузиш, алал-оқибат ҳукуматни эгаллаш истаклари аён бўлди.

Куни кеча мен ЖХШТ саммитида таъкидлаганимдек, ҳамма нарсани ўноми билан атаган тўғри, яни мамлакатимизга террорчилар уруши эълон қилинди, деб бемалол айтиа оламиз. Душманлар ҳар қандай жаҳолатга, ваҳ-

шийликка тайёр эканликларини намоён этишиди. Бу аҳолини кўркув исканжасида қолдирив, ҳатто уларга қаршилик кўрсатиши фикридан мосуво этанди.

Қозогистонга бўлган ҳужумлар ревясаси қатор бир неча жиҳатларни кўрсатди: ҳарбий, сиёсий, гоявий, нотўғри ахборот ва бошқалар. Ҳокимиятни қўлга олишга тайёргарлик борасида касбий – профессионаллар ишлаган.

Бу халқаро терроризм томонидан мамлакатимизга қарши куролпи тажовуз бўлганлигини сабабли, Қозогистон уни далиллаб, Жамоавий хавфсизлик шартномаси бўйича ўз ҳамкорларига тинчликларвар контингентни юбориш илтимоси билан мурожаат қилди.

Тушуниш зарур: бундай қарорни қабул қилиш пайтида биз Алмати устидан назоратни бутунлай йўқотишимиш мумкин эди, бу эса шаҳарни террорчиларга шунчаки парчалаб ташлаш учун беришдек гап.

Алматини қўлдан бой берсак, пойтахтни ҳам йўқотар эдик, кейин эса бутун мамлакатни. Бу воқеа фожиали январь кунларининг моҳиятидир.

Тинчликларвар кучларнинг кириб келиши натижасида шаҳарни сақлаб қолиш мақсадида пойтахтдан Алматига қўшимча махсус хизмат қисмларини жўнатдик.

Жамоавий хавфсизлик шартномаси ташкилотига алоҳида тўхтагим келади. Бунга оид турли миш-миш, айниқса, чет элларда тарқаб кетган нотўғри фикрларнинг олдини олиш зарур.

(Давоми 2-3-4-5-бетларда). ►

“МУДҲИШ ЯНВАРЬ” САБОҚЛАРИ: ЖАМИЯТ БИРЛИГИ – МУСТАҚИЛЛИК ГАРОВИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ Қ. ТҮҚАЕВНИНГ ҚОЗҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ ЙИҒИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур ташкилот жамоавий хавфсизлик масалалари билан шугулланади. Қозғистон унинг тўлақонли мусассидаидан бири. Ушбу ташкилотнинг барча аъзоларидан тузилган тинчликпарвар кучлар Қозғистонга вақтинча – қисқа муддатгагина келди. Уларнинг зиммаларига юкланган вазифалар аниқ белгилаб кўйилган.

Бу – стратегик иншоотларни қўриқлаш, маслаҳат бериш ва қўллаб-кувватлашдан иборат.

Қўпоручиларга қарши ҳаракатни тўлифи билан Қозғистоннинг куч ишлатар тузилмалари амалга ошироқда. Ҳақиқатни айтиши керакки, айнан улар ўз жонларини гаровга қўйиб ҳаракат қилишлари натижасида давлат тўнташига йўл берилмади. Ҳокимиятни ағдариш, давлат яхлитлигига суюқасд барбод бўлди.

Биз ягона миллат сифатида, биргалик да Алмати шаҳри ва бошқа вилоят марказларини сақлаб қолдик. Қисқа муддат ичидан тикланиб, яна чирой очади. Бу ишлар менинг бевосита бажарадиган вазифам, албатта. Ҳукуматнинг ҳам.

Фурсатдан фойдаланиб, террорчилик хурожлари иншоотларига айланган шаҳарлар аҳолисига ҳамдардлик билдираман.

* * *

Бугун, “кора кунлар” ортда қолган вақтда қўпоручилар ҳаракатларини бартараф этган ИИВнинг махсус бўлинмалари жангчиларининг жасоратини алоҳида таъкидлагам келади. Масалан, Алмати Полиция департаментининг биносини босиб олмоқчи бўлган босқинчиларнинг ҳужумига бир гуруҳ полициячилар икки кечада муносиб қаршилик қўрсатиши. Давлат қўриқлаш ҳизмати ва Мудофаа вазирлигининг ходимлари инқизорли вазиятда ўзларини муносиб намойиш этиши. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам ўз бурчларига содик қолишади.

Қатор шаҳарлардаги МХҚД раҳбарлари қурол-аслаҳалари етарли бўлишига қарамай, қўпоручиларга қарши курашиб ўрнига, қурол ва маҳфий ҳужжатларни қолдириб, ҳизмат жойларини ташлаб кетишган.

* * *

Энди мен қилишимиз керак бўлган ишларнинг дастлабки тизимларини айтиб бермоқчиман.

Биринчи. Аксилтеррор операцияларини муваффақиятли ниҳоясига етказиш зарур. Фуқароларимиз шаҳар, қишлоқ кўчаларда эркин ҳаракатланиши, ўқибишлаши, ўзларининг, яқинлари ва фарзандларининг келажаги учун ваҳимага тушмаслиги учун зудлик билан тартиб ўрнатишимиш зарур. Умуман олганда, қизғин аксилтеррор операциялари ортда қолди. Бугунги кунда барча ҳудудларда вазият барқарор. Шу боис, КХШТнинг тинчликпарвар кучлари ўзининг асосий миссиясини муваффақиятли бажарганини таъкидлайман.

Иккى кундан сўнг, КХШТнинг тинчликпарварлик кучлари босқичма-босқич мамлакатимиздан чиқиб кета бошлади. Уларнинг чиқиб кетиши жараёни узоги билан 10 кунга бориши мумкин.

Иккинчидан. Тинч аҳолига қарши жиноятларда иштирок этган барча жангарилар ва уларнинг шериларини топиб, жазолаш керак. Эндиликда террор ҳаракатлари ортида турганлар билан курашиб жуда муҳим.

Яна бир жуда муҳим жиҳат: нега давлат жангариларнинг “ухлаб ётган” ўчоқлари ва уларнинг кўмондонлик пункти фойлиятини сезмай қолди?

Нима учун мамлакатимиз ҳудудида шунчак кўп ноқонуний қурол-аслаҳа ва махсус воситалар пайдо бўлиб қолди? Нега терроризм тарафдорларини аниқлаш ва заарсизлантириш бўйича яширин иш олиб борилмаган?

Махсус тергов-тезкор гуруҳи ўз ишини сифатли ва тўлиқ бажариши, фожианинг барча сабаблари ва тафсилотлари ошкор этилиши керак.

Учинчи. Ҳалок бўлган тартиб соқчиларининг, ҳарбий ҳизматчилар ва оддий фуқароларнинг оиласларига ёрдам кўрсашиб – бизнинг муқаддас бурчимиз.

Бу масала менинг қатъий назоратимда бўлади. Уларни бошпана, таълим ва бошқа зарур жиҳатлар билан таъминлаймиз.

Тўртинчи. Қисқа муддат ичидан зарап кўрган мол-дунёни тиклаш зарур. Тўлиқ аввалиги ҳаёт тарзига қайтамиш.

Молия тизими, транспорт соҳаси, озиқ-овқат етказиш соҳаларининг тўсиқизиз фаолият юритишини таъминлашимиз керак. Товарлар билан кўрсатиладиган ҳизматларнинг тақиълигини, нарх-наво асоссиз кўтарилишининг олдини олиш муҳим.

Ҳукумат комиссияси ўз ишини бошлаб юборди. Бу фуқаролар ва тадбиркорликка ижобий таъсир кўрсатади. Давлат молиявий ёрдам билан бирга, тадбиркорларга бошқа кўмак турларини ҳам таълиф этади. Аниқроқ қилиб айтганда, насиляр бўйича фоизли тўловлар, жарима ва ўсимлар белгилаш тўхтатиб турилади.

Бешинчи. Мамлакат хавфсизлигини кучайтириш ва хавф-хатарнинг олдини олиш учун тезкор чораларни амалга ошириш зарур.

Биз аскарлар, ҳарбий техника ва курол-аслаҳаларни зарур жойга жадал етказиш учун ҳарбий-транспорт авиацияси паркини тўқислаш ишини йўлга қўймиз. Давлат чегарасини мустаҳкамлашимиз лозим. Миграция, жумладан, ички миграция соҳасини тартибига соладиган вақт келди. Қурол-яроғ айланимини мунтазам текшириб, уни қонун доирасида созлаш зарур.

Тез фурсатда заарланган бинолар ва махсус техникаларни таъмирилаб, видеоназорат тизимини ишга тушириб, ҳуқуқтартибот идораларининг фаолиятини тиклаш зарур.

* * *

Мен, айниқса, миллий хавфсизликни таъминлашнинг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этишдек стратегик вазифага тўхталиб ўтмоқчиман.

Қуролли кучларимиз, ҳуқуқтартибот идоралари, миллий хавфсизлик бўлинмалари, ташки разведка ҳизматлари фаолиятини қайта қуриш зарур.

Биринчи. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ қилишга шошилинч таҳрирлар киритиш. Биз полицияга ҳизмат кўрсатиш моделини яратиш ва жиноятпроцессусал тизимни замонавийлаштириша сезиларни ютуқларга эришдик.

Бироқ оммавий террорчилар ҳужумлирига қарши туришга тайёр бўлмоғимиз даркор. Куч тузилмаларининг қўмондонлари жанговар қўниқмаларни ўзлаштиришга, самарали ҳимоя ва ҳужум воситалари билан жиҳозлашга дарҳол киришишлари даркор.

Иккинчи. Миллий гвардияни сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Минтақаларда унинг янги бўлинмаларни шакллантириш, мавжудларини кучайтириш, транспорт ва моддий-техник таъминот масалаларини ҳал этиш керак бўлади.

ИИВ ва Миллий гвардиянинг махсус топширик бўлинмалари сонини кўпайтириш керак.

Жанговар тайёргарлик даражасини юксалтириш керак.

Зарур махсус ва транспорт воситалари билан етарлича таъминлаш.

Барча куч органлари махсус бўлинмалари ходимларининг иш ҳақини ошириш.

Учинчи. Полициячиларнинг ҳуқуқий муҳофазасини юксалтириш.

Ҳокимият вакилларига ҳужум ва қонуний талабларга бўйсинаслик учун жавобгарликни кучайтириш.

Тўртинчи. Армиянинг жанговарлигини тубдан ошириш.

Қисқа муддатда махсус операциялар кўмондонлиги кучларини ташкил қилиш.

Бешинчи. Чегара ҳизматини ташкил қилиш ва бошқариш тамойилини қайта қўриб чикиш.

Давлат чегарасини ҳарбий тўриклишдан фаолиятнинг тезкор услугига эътиборни жалб этган испоҳотларни тафтиш килиши.

Олтинчи. Ташки, ҳарбий, криминал ва молиявий разведкани қўшган ҳолда разведка ҳамжамияти фаолиятини тўла қайта қуриш.

Еттинчи. Турли куч тузилмалари орасида самараали мувофиқлаштириши таъминлаш.

Таназул вазиятларида давлат органлари хатти-ҳаракатлари алгоритмини долзарлаштириш, идоралараро мувофиқлаштириши қучайтириш лозим.

Саккизинчи. Қарорлар қабуллашда куч тузилмаларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг раҳбарлари жавобарлиги даражасини ошириш.

Тўққизинчи. Диний экстремизмга қарши хатти-ҳаракатлар бўйича тизимли чоралар мажмусини жорий этиши.

Ҳукумат чегарасини ҳарбий тўриклишдан фаолиятнинг тезкорлигини йўлга қўйиши.

Саккизинчи. Қарорлар қабуллашда куч тузилмаларини мустақиллигини таъминлаш, уларнинг раҳбарлари жавобарлиги даражасини ошириш.

Барча куч тузилмаларининг ҳарбий-техника мутаносиб тезкорлигини йўлга қўйиши.

Саккизинчи. Қарорлар қабуллашда куч тузилмаларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг раҳбарлари жавобарлиги даражасини ошириш.

Содир бўлган фохиали воқеалар кўп ҳолда жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва самарасиз, аниқроғи, айрим давлат органларининг яроқсиз фаолияти оқибати туфайли эканини тан олиш керак.

Айрим ижро органларининг мавжуд оғир воқеалик ва фуқаролар эҳтиёжидан сезиларли узилиши рўй берди. Ҳокимият тузилмалари вакилларida одамлар ҳаёти ҳақида, уларнинг ўй-фирклари ва эҳтиёжлари тўғрисида нотўғри тасаввур шаклланган.

Тенгсизлик муаммоси чуқурлашди. Аҳоли даромадларининг ўртача кўрсаткичлари, гўёки, қоғозда ошаётса-да, у йилдан йилга таранглашиб бормоқда.

Бироқ, салмоқли ўртача маёшлар остида жамиятдаги кучли мулкий табакаланиши яширинган. Фуқароларнинг кўплаб кундаклик муаммолари ҳал этилмаган.

Фаровонлик ва ҳаётнинг сифатини таъминлаш – давлатнинг бош мақсади. Бу сўзларни аниқ ишлар сатҳига кўчириш лозим.

Аҳоли барча гуруҳларининг даромадлари иқтисод ўсиши баробарида ошиши керак. Бу исбот талаб этмайдиган аксиома, афсуси, бу бизнинг вазиятимизда ишламаяти.

Мамлакатда ташкил этилган ижтимоий-иқтисодий тизим миллий даромаднинг умумий ўсишини таъминлашда етарлича самараали эканини кўрсатди, бироқ уни тақсимлашда самарасиз бўлиб қолди.

Иқтисодий ўсишининг асосий фойда топувчилари молиявий-олигарх гуруҳлар бўлиб қолди.

Юзага келган олигополиялар эркин бозор ривожини жиддий тарзда чеклаб, мамлакатнинг рақобатбардошлигини пасайтириб қўйдилар.

Энг аввало, элимизнинг янги иқтисодий йўналишини маҳкам қўлга олиш зорару.

Иқтисодий сиёсатимизнинг мақсади – аниқ. Бу – замон талабига мос ижтимоий дастурга эга бозор иқтисодини барпо этиши ва ривожлантириш.

Бу тизимнинг асосида жамият олдиғи масъулиятни ҳис эта оладиган тадбиркорларимизнинг салмоқли гуруҳи туриши аниқ. Яъни, бу – ўзи ва болаларининг тақдирини Қозғистон билан боғлаган тадбиркорлар.

Худди шундай тадбиркорлар эл кела-жаги учун зиммасига масъулият олишга тайёр.

Шу сабабли, тадбиркорликни ривожлантириш учун тизимли иш бажариш аҳамиятига эга.

Мен бизнес зиммасига тушган тўричилик салмоғини сезиларли камайтириб, тараққиётига йўл очадиган қонунга имзо чекдим.

Ҳукумат бу қонун салоҳиятидан аниқ иш юзасида фойдаланиши лозим.

Давлат қўллови чораларининг самарадорлиги ва

лиш борасида мажмуавий тавсиялар ҳозирлаши керак.

Агар бу иш йўлга қўйилмаса, ёқилғи нархини тартибга солиш тизими сақланаб қолади.

Навбатдаги масала – “Самърық-Қазына” жамғармаси хизматининг самарадорлиги.

Бугунги кунда ушбу жамғарма активи юртимиз ички ялпи маҳсулотининг 60 фоизига яқинлашади.

Яъни, бутун иқтисодиётимизнинг таракқиёти бевосита ушбу ташкилотнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ.

Жамғарманинг КЕГОК, Қазақз газ ва Қозоғистон темир йўли сингари инфраструктурия компаниюлари иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари самарадорлигини белгилаб беради.

Шу билан бирга, жамғарма ўзининг асосий вазифаси – миллий бойликни кўпайтириш вазифасини бажарагаятими, деган ўринли савол туғилади.

Юқори маош оладиган ҳодимлари ва директорлар кенгаси нима иш қиласди?

Хизмати жуда қиммат консалтинг компаниялари ва хорижий мутахассисларни ишга жалб этиши мантиқийми?

“Самърық-Қазына” жамғармаси мамлакатнинг стратегик активларини бошқариша мухим роль ўйнайди. Шу боис Ҳукуматга Стратегик режалаштириш ва испоҳотлар агентлиги билан биргаликда квазидавлат шўъбасини тубдан испоҳ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши топшираман.

Агар жамғармани испоҳ қилишининг иложи бўлmasa, иқтисодиётимизда бундай тузилманинг бўлмагани яхши.

Жамғарма харидларининг шаффофлиги юзасидан саволлар мавжуд. Шикоятлар мунтазам равишда келади.

Бу саволларга албатта, жавоб топиш керак. Ҳусусан, ягона манбадан давлат харидлари шартномаларини тузиш асосларини қисқартириш мухим аҳамиятга эга. Умуман олганда “Самърық-Қазына” ва бошқа миллий компаниялар учун харидлар тартиби қайта кўриб чиқиши керак.

Ўтган йили “Тартибга солинадиган харидлар тўғрисида” янги Қонун қабул қилинди, бироқ кўплаб масалалар ҳамон конун ости ҳуҷжатлари ва Жамғарманинг қарорлари даражасида ҳал қилинмоқда.

“Самърық-Қазына” жамғармаси қоидлари ва тартибларини Молия вазирлиги ва рақобатни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш агентлиги билан мувофиқлаштиришни таъминлаш зарур.

Иқтисодий ўсиш давлатнинг иқтисодиётдаги улушининг пасайиши билан чамбарчас боғлиқ.

Бироқ хусусийлаштириш тизимли ва шаффоф юритилаётгани йўқ.

Ҳусусан, рақобат мұхитига ўтказиш учун активларни саралаш усуслари аниқланмаган. Уни зудлик билан ишлаб чиқиши керак.

Ҳукуматга рақобатни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш агентлиги билан биргаликда тегишли давлат комиссиясининг хусусийлаштиришга доир қарорларининг тўлиқ шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашни топшираман.

Иқтисодиётни ранг-баранглаштириш жуда мураккаб.

Ранг-баранглаштиришсиз фуқароларимиз фаровонлигини ошириш, доимий иш ўринлари яратиш мумкин эмас.

Бу борадаги ишларда асосий ўтибор ишлаб чиқариши саноатини ривожлантиришга қаратилган. Бироқ, бу мамлакат иқтисодиётидаги ишлаб чиқариши улуши сезиларли даражада ошиди, дегани эмас.

Биз бир қатор маҳсулотлар бўйича импортга қарам бўлиб қолмоқдамиз.

Мамлакат тўлов балансида йил ўтиши билан кескин камомад кузатилмоқда.

Алюминий, мисдан ясалган тайёр буюмлар ва машинасозлик соҳасидаги тайёр маҳсулотлар ҳали-ҳануз ҳам чет элдан келтирилмоқда.

2020 йилнинг якунига кўра фақат нефть-газ ва тог-кон машинасозлик саноати импорти 4 миллиард доллардан ошиди.

Ёки бизнинг мамлакатимизда ҳам

худди шундай вазиятдан кимлардир манфаатдорми?

Ҳукумат бутун саноат соҳасини чукур таҳлил қилиши керак. Рақобатбардош шўъбаларни хомашё, малака ва иқтисодий самарадорлик асосида аниқлаш керак. Тахлил асосида аниқ лойиҳалар ишлаб чиқиш, сармоядорларни жалб қилиш зарур.

Бу Ҳукуматнинг янги таркиби олдида турган асосий вазифалардан бири.

Кейин, “РОП оператори” номини олган компания фаолияти юзасидан тадбиркорлар ва умуман жамиятда кўплаб саволлар туғилмоқда.

Бунгача бу хусусий компанияга қарши қандайдир уюшган ижтимоий ҳаракат бўлган.

Ҳукуматга “Оператор РОП” МЧБнинг фойдаланиши тўловини тўхтатиш ва фойдаланиши тўловини бошқариш чораларни кўриши топшираман.

Бу билан бориҳий мамлакатлардагидек давлат ташкилоти шуғулланиши керак. Тўловларнинг ўзига келсак, уларнинг миқдорлари қайта кўриб чиқиши керак. Давлатнинг қайта ишлаш, автомобиль саноати ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигини кўплаб-қувватлаш вазифалари бекор қилинмаган. Биз бу масалани бизнес ва жамоатчилик билан конструктив тарзда мұхокама қилишимиз керак.

Харидорларни маҳаллий автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникасини фойдаланиши тўлови ҳисобига ваучер билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиш керак. Унинг маблагларидан фойдаланиши топшираман.

Бюджет даромадлари ҳақида гапирганда, харажатларнинг айрим моддаларини айтиб ўтмасдан бўлмайди.

Ҳукумат аъзолари, депутатлар ва ҳокимларнинг маошларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ўтган йил охирида бу масала жамиятда қизғин мұхокама қилинди.

Менимча, ушбу тоифадаги давлат хизматчиларининг маошлари етарли даражада. Шу боис Ҳукумат аъзолари, вилоятлар ҳокимлари ва депутатлар маошларини оширишишга беш йиллик мораторири эълон қилиш мүмкун, деб ҳисоблайман.

Бу Мажлис депутатлари учун яхши янгилик эмаслигини тушунаман, аммо бу хабарни ижобий қабул қиласиз, деб ўйлайман.

Бюджет имкониятлари ошиб бориши билан маъмурӣ давлат хизматчилари ва бюджет ходимларининг иш ҳақини ошириша давом этамиз.

Маълумки, молия тизимининг барқарорлиги миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш гаровидир.

Иқтисодиёт юксалиши ва даромадлар тафовутининг кенгайиши билан истеъмол насииялари сезиларни даражада кенгайди. Унинг ҳажми бизнесни кредитлаш ҳажмидан ошиб кетди.

Ҳозирги кунда одамлар жуда кўп кредит олишишмоқда. Шуни ҳисобга олсан, бу молиявий бозорни бекарорлаштириши ва ижтимоий бекарорликка таҳдид солиши мүмкун. Ҳукумат жисмоний шахсларнинг синиши тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши кириши. Лекин бу билан муммо ҳал этилмайди.

Даставвал, ортиқча қарздорликнинг ошишига йўл қўймасликдир. Шу боис Молия бозорини тартибига солиш ва ривожлантириш агентлигига Миллий банк билан биргаликда пруденциал тартибига солиш дастаклари орқали аниқ ва тезкор қарор қабул қилиши топшираман.

Валюта бозорида барқарорликни таъминламасдан туриб, барқарор иқтисодий ўсиши таъминлаб бўлмайди.

Воқеаларнинг ва фавқулодда ҳолатнинг жорий этилиши туфайли миллий валютага чайқовчиликка асосланган босим хавфи юзага келди. Миллий банк ва Молия бозорини тартибига солиш ва ривожлантириш агентлигига ички ҳамда ташки бозор иштирокчилари томонидан тенгега ишонч тўлиқ тикланмагунча валюта бозори барқарорликнинг таъминлашни топшираман.

Қозоғистонликлар фаровонлигини ошириш мақсадида биз бир неча бор маош ва пенсияларни оширганмиз, лекин ҳар гал нарх-навонинг назоратсиз оши-

шига дуч келамиз. Қўп ийлар давомида пулнинг қадрсизланиши иқтисодиётимиздаги асосий муаммо бўлиб қолмоқда. У иқтисодий ва ижтимоий сиёсат самарадорлигини пасайтиради.

Бу масалага чек қўйиш, нархларни барқарорлаштириш ва аҳолининг пул қадрсизланишидан кутилган натижаларини таъминлаш вақти келди.

Инфляция даражасини пасайтириш учун тизимили иш олиб бориш керак. Мақсадли кўрсаткич – 2025 йилгача 3-4 фоизни ташкил қилади.

Ҳукумат Миллий банк ва “Атамекен” Палатаси билан биргаликда инфляцияни назорат қилиш юзасидан мажмуавий чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак. У импорта қарамликин камайтириш, ортиқча воситачиликни камайтириш ва пул-кредит сиёсати воситаларини ўз ичига олиши керак.

Қозоғистонда тўғридан тўғри сармояларни жалб қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биз қўлай сармоя мұхитини сақлаб қолишидан манфаатдормиз. Сизни ишонтириб айтаманки, давлат маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг ишончини тиклаш учун барча зарур чора-ларни кўради.

Давлатнинг сармоядорлар олдидағи барча мажбурияtlари ва кафолатлари тўлиқ бажарилади.

Ҳозирги босқичда ESG талабларининг кучайиши, дунёвий энергетика ва технологик ўтиш шароитида мамлакатнинг жозибадорлигини ошириш учун янги сармоявий сиёсат Концепцияси зарур. Алоҳида қўйидаги саволга эътибор қаратаман.

Фавқулодда ҳолат жорий этилиши муносабати билан айрим молиявий ва саноат гурӯхлари капиталини, шу жумладан қалбаки битимлар тузиш орқали хорижга олиб чиқиб кетиш хавфи юқори. Биз аллақачон айрим шахсларнинг ҳисоб рақамларида ҳаракатни қайд этганимиз.

Шу боис Миллий банкка Молиявий мониторинг ва молия бозорини тартибига солиш агентликлари билан биргаликда таъминлашни топшираман.

Маърузамнинг иқтисодий қисми сўнгига шуни таъкидламоқчиман.

Бугун биз янги Боз вазирни тайинлада, бир қатор аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

Бош вазирга уч ҳафта мобайнида Ҳукуматнинг 2022 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурини тайёрлашни топшираман. Буни февраль ойи бошида Ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида қўриб қичамиз.

Бутун дунёда янги коронавирус эпидемияси бошланди. Қозоғистонда касалланиши кескин ошган. Кунига 2 мингдан ортиқ янги ҳолат қайд этилади.

Пандемиянинг бутун даври давомида касалланиши 1 млн.дан ортиқ одамни ташкил этган.

Шунинг учун тинчланмаслик, коронавирусга қарши курашни давом эттириш мүхим.

Бу янги Ҳукумат учун ҳам асосий вазифа бўлиши керак.

Энди миңтақалараро номутаносибликлар ҳақида. Маълумки, Қозоғистон худудлари нотекис ривожланмоқда.

Номутаносибликлар ижтимоий ноқулийлик ва мұхажирлар ҳиссиятларининг ўсиши учун замин яратади.

Сўнгига воқеалар гарбий ва жанубий худудларда бандлик билан кескин муммо мавжудлигини кўрсатди. У ерда туғиши кўрсаткичи юқори, иқтисод эса иш ўринлари яратиш даражасига етмаяпти.

Шу боис тизимили саноатлаштириш, кичик ва ўрта бизнесга кўмаклашиш, бу соҳаларда хизмат таъкидларини аниқлашади. Миллий устидан аниқ кузатув, текшириш муммо мавжудлигини кўрсатди.

Тараққиётнинг маданий, маънавий таркибини унутмаслигимиз керак.

Билимли фуқаролар миллий миқёсда рақобатбардош, мұваффақиятта мунисиб ҳаёт учун кўпроқ имкониятларга эга.

(Давоми 4-5-бетларда).

“МУДҲИШ ЯНВАРЬ” САБОҚЛАРИ: ЖАМИЯТ БИРЛИГИ – МУСТАҚИЛЛИК ГАРОВИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ Қ. ТҮҚАЕВНИНГ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ ЙИФИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-2-3-бетларда).

Хукуматга “Қишлоқ – Юрт бешиги”, “Бизнеснинг йўл харитаси” ва бошқа дастурлар доирасида мазкур ҳудудлар учун алоҳида йўналишлар ишлаб чиқишни топшираман.

Кейин. Ҳеч кимга сир эмас, кўпинча ҳудудни кўплаб-куватлаш даражаси аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларига эмас, балки маълум бир ҳокимнинг “вазни”га боғлиқ. Бу эса ривожланишдаги номутносибликка ва фуқаролар норозилигига сабаб бўлади.

Уларнинг аксарияти, айниқса хомашё ҳудудлари аҳолиси уларнинг вилоятлари бюджет маблағларини тақсимлашда кўпроқ эътиборга лойиқ деб ҳисоблайдилар.

Мазкур вилоятлар бюджет дононлари сифатида тараққиётнинг кўплаб ўнчамлари бўйича орқада қолмоқда.

Шунинг учун ёндашувларни астасекин ўзгартириш керак. Бюджетлараро муносабатларни чукур ислоҳ қилиш фуррати етиб келди.

Хукуматга қонунчиликка ўзгаришлар пакетини тайёрлашни топшираман.

Давлат бошқаруви тизими мажмуавий ислоҳотларни тақозо қилади.

Юқори бўлмаган кадрлар потенциалини, расмиятчиликни, уюшган жиноятчиликни, кадрлар қўнимсизлигини тан олиш лозим.

Шунинг учун давлат ҳокимиюти инсти тулларига жамият ишончининг паст даражаси сақланмоқда.

Давлат хизматига кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш, унга кириш учун ортиқча парда ва тўсиқларни олиб ташлаш лозим.

“Меритократия” тамоили хизматга кириш ва ўсишнинг реал қоидаси бўлиши керак.

Давлат хизмати барча қозогистонлик учун очиқ бўлиши зарур.

Шунингдек, давлат хизматидан “чиқиш” тартибини ҳам соддалаштириш зарур.

Баъзи ташаббусиз амалдорлар йиллар давомида кабинетларида ўтиришлари мумкин. Улар ёш ва истиқболли йигитларнинг ўсишига йўл беришмайди, давлат девони самарадорлигини пасайтиришади. Бундай амалдорлар билан осонгина ҳайрлашиш керак, бинобарин, давлат девонига келсак, амалдорларнинг институционал хотираси жуда катта аҳамиятга эгадир. Барча амалдорларни “жўнгина” ёшларга алмаштириш ҳам керакмас.

Бу масалага мутлоқ идрок ила ёндошмоқ лозим. Агар одам 60 ёшида ишини эпласа, институционал хотирага эга бўлса, давлат хизматига жуда фойдалидир, уни асло бўшатиш керак эмас. Яъни, бу ҳолатда идрокли, табакалаштирилган муносабат ўринли.

Хукумат ва давлат ишлари бўйича агентликка мақбул дастакларни ишлаб чиқиш ва жорий этишини топшираман.

Мен “Президентнинг ёш кадрлар резерви” лойиҳасини тавсия қилганиман. Бу истиқболли ёшлар учун ижтимоий лифт ва шунингдек, янги тафаккурни шакллантиришнинг, давлат девони фаолиятига янгича ёндашувларни жорий этишининг дастаги. Бу амалиёт давом эттирилади.

Менинг топшириқларимга мувофиқ, ўтган ўйли давлат девонининг сони 15 фойизга қисқарди.

Давлат девони ислоҳотларнинг движатели ва ижроқисидир, фуқароларга мухим давлат хизматларини кўрсатади, “Халқни тинглайдиган давлат” концепциясининг амалга оширилишини таъминлайди.

Давлат девонисиз давлатнинг ўзи ҳам муваффақиятли яшай олмайди.

Хозирги босқичда давлат хизматчиларининг сонини мақбул деб тан олиш зарур.

Янги Хукумат тайинланиши билан боғлиқ барча ташкилий қарорлардан сўнг, бу сонни келгуси ўрта даврга қайд этмоқ даркор. Кейин кўрамиз: агар биз аста-секин давлат вазифаларидан воз кечадиган бўлсак, уларни рақобат мұхитига берсак, давлат девони ҳам босқичма-босқич қисқарди.

Таъқидлаш лозим, амалдорларнинг фуқаролар билан мулокоти самарадорлиги ҳануз паст даражада. Давлат органларининг раҳбарлари ҳалқ билан мулокот қила олмайдилар, ҳатто чўчишади.

Хукумат аъзолари минтақаларга мунтазам равишда чиқишилари зарур, минтақаларнинг ҳокимлари эса ҳар бир аҳоли манзиллари турғулнари билан доимо учрашилари керак.

Яна бир муаммо – оммавий тўрачилик.

У ҳақиқатан ҳам фуқароларда давлат девони тўғрисида секин қимирладиган, бефарқ машина тушунчасини шакллантиради.

Тўрачилик – ислоҳотлар сифатиз жорий этилишининг бош сабабларидан бириди.

Бу дардан ҳаммамиз фориг бўлиши миз жоиз.

Шакл эмас, мазмун устувор бўлиши керак. Ҳисобот учун ҳисобот ва назорат учун назорат мозийга кетиши зарур.

Жараёндан якуний натижага мұхим. Аниқ қарорларни сабабсиз мураккаблаштирадиган ва секинлаштирадиган жараёнлар йўқотилиши даркор.

Бугун давлат органлари топшириқларни мазмунли ижро этишига эмас, аксинча, уни тўрачилик тарзда бажаришга йўналтирилган.

Шаклан намунали, мазмунан саёз ҳужжатлар тайёрланяпти.

Асосий аҳборий тизимлар интеграциясига қарамасдан, давлат органлари ҳануз қоғозбозлик ва бемаъно ёзишмаларни кўпайтиришапти.

Давлат органларининг аҳборий тизимлари маълумотларини расмий деб тан олиш керак, уларнинг қоғоз турнида тасдиқланиши шарт эмас. Акс ҳолда, нима учун рақамлаштириши жорий этияпмиз? Рақамлаштириш – ахир ба русумдаги ўйинчоқ эмас. У амалда кўлланилиши керак ва давлат девони вазифаси ижроси нуқтаи назаридан фойдали бўлмоғи зарур.

Кўп йигилишларни онлайн шаклда ўтказиш лозим.

Давлат девонида тубдан тўрачиликни чеклаш бўйича ва бошқа чоралар алоҳида Фармонда акс эттирилади.

Стратегик режалаш ва ислоҳотлар агентлиги ҳамда давлат хизмати ишлари бўйича агентлик вазифасида тўрачиликни чеклаш ҳамда давлат девони самарадорлигини ошириш юзасидан мониторинглаш ва жорий қилишининг аниқ вазифалари кўриб чиқилиши даркор.

Фуқаролар фаровонлиги ва уларнинг ижтимоий кайфияти доимо асосий ўринда туриши, шунингдек, давлатнинг дикқат марказида бўлиши даркор.

Рақамлар билан ўйинни бас қилиб, аниқ ишларга ўтиш даври келди. Одатда, давлат органлари вазияти “ўзини самарали таъминлаганлар”, “норасмий банд шахслар” каби атамалар билан ғилофлашни ёқтиришади.

Натижада кўплаб одамлар ишсизлик ва ижтимоий ҳимоясизлик билан “юзмайз” қосишимоқда.

Бу ижтимоий-мехнат соҳасини сифат жиҳатидан янгилашни тақозо этади.

Ушбу мақсадларда қўйидаги чоралар мажмусини қабуллаш лозим.

Аҳоли даромадларини ошириш дастурини ишлаб чиқиш.

Иш аниқ ва манзилли бўлиши даркор. Ҳар бир бошқарув босқичда қашшоқликни камайтиришнинг аниқ кўрсаткичларни белгилаш зарур.

Иш билан таъминлашга муҳтож фуқароларнинг аниқсонини аниқлаш керак.

Хукуматга “Атамекен” билан бирга иккى ой муддатда аҳоли даромадларини ошириш юзасидан дастурни қабуллашни топшираман.

Хукумат ўз вақтида “Ижтимоий кодекс”ни қабуллашни таъминлаши зарур.

Бу ҳужжат доирасида биз ижтимоий сиёсатни пандемия ва тўплланган муаммолар чакириқларини ҳисобга олган ҳолда янги воқеиликларга мойиллаштиришимиз керак.

Ижтимоий кодекс янги “жамоат шартномаси”нинг асосий унсури бўлиши лозим.

Асосий эътиборни ишсизликни, айниса, ёшлар орасида камайтиришга қаратиш зарур.

ОЎЮ, коллежларнинг битирувчилари, айниқса, маълумотсиз ёшлар ҳар доим ҳам доимий иш ўринларига жойлашиш имкониятига эга эмаслар. Буни яхши биламиш. Тасодифий маошлар билан кун кўриб, ҳаёт кечиришади.

Баъзилари даромад топиш мақсадида қонунни бузишлари мумкин.

Хукуматга “Ёшлар амалиёти” ва “Биринчи иш ўрни” лойиҳалари бўйича иштирок этиш муддатини ҳамда иш ҳақи миқдорини ошириш имкониятини кўриб чиқиши топшираман.

Ёшлар ва аҳоли қатламининг ишбишларни ташаббусларини ҳаётга жорий этиш учун шарот яратиш мухим.

Хукуматга мазкур грантни иккى баравар, 400 ОҲҚ миқдорида кўпайтириш имконини ишлаб чиқиши вазифаси топширилган.

Навбатдаги масала. Сифатли таълимга эришиш имконияти асосий устуворлик ҳисобланади.

Бу бутун жамият тараққиётининг мухим омилидир.

Мактабларни моддий жиҳатдан нечоғлик таъминламайлик, яхши ўқитувчилариз таълим сифатини юксалтириб бўлмайди.

Буюк Ахмет Байтурсунули айтганидек, “Муаллим – мактабнинг юраги”.

Шунинг учун ўқитувчилар тақчиллиги мавжуд минтақалар учун мос кўплаб-куватлаш чоралари пакетини тайёрлаб, илғор педагогларни жалб этишининг маҳсус дастурини ишлаб чиқиши топшираман.

Олий таълимнинг оммаболлиги масаласи долзарблигича қолмоқда.

Асосий эътиборни мамлакатнинг аҳоли зич жойлашган минтақалари ёшлари учун ажратиладиган мақсадли грантларни қаратиш зарур.

Янги иқтисодиётни барпо этиш учун ОЎЮларнинг рақобатбардошлигини ошириш мухим.

Қозогистонда хорижнинг етакчи ОЎЮлари филиаллари очила бошлади. Тез орада Россиянинг илғор техника ОЎЮ филиалларини очиш режаланмоқда.

2025 йилга мамлакатимизда обрўли чет эл университетларининг камидан 5 филиалини очиш зарур, деб ҳисоблайди.

Техника йўналишидаги ОЎЮнинг иккита филиалини мамлакат ғарбида очиш даркор.

Умуман, ҳаммамиз таълим соҳасига кўз қарашимизни ўзгартиришимиз лозим. Гуманитар ихтисосликлар билан қизиқиши даври ўтиди, устуворликни техник мутахассисликларга қаратиш зарур. Муҳандислар, саноатчиларнинг янги авлодини этишиши керак бўлади.

Кейингиси. Ижтимоий адолат мухим масала бўлиб қолмоқда. Қозогистон Конституция бўйича – ижтимоий давлат.

Давлат томонидан кўп ишлар амалга оширилмоқда. Республика бюджетининг 50 фойиздан зиёд ҳаражатлари – ижтимоий таснифдаги ҳаражатлар. Бирор бу етарли эмас.

Бизнинг миллий жамғармамиз бор – у мамлакатнинг молиявий таяничи.

Бугун “Қозогистон халқига” жамоат ижтимоий жамғармасини ташкил этишини топшираман.

У соглини сақлаш, таълим, ижтимоий қўмак соҳаларида аниқ муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланади.

Масалан, даволаниши оғир хасталикка чалинган болаларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади. Боиси, кўплаб оиласалар даволанишига пул етказолмайди.

Шаҳарлар, туманлар, қасабалар, қишлоқларда болалар учун спорт иншоотларини барпо этамиз. Қобилияти болаларга ёрдам кўрсатамиз. Маданияти қўллаймиз. Алматига аянчили фожиадан ташкилиши ёрдамга берамиз.

Мазкур жамғарма маблағлари ҳисобид

Армия сафифа хизмат қилиш, ҳуқуқни муҳофазалаш соҳасида ишлаш – ўзгача бурч.

Бу – Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр фуқароларнинг онгли танлови.

Ёшларимизни ҳарбий бурчини ўташга қандай рағбатлантириш мумкинлигини бутун жамият бўлиб ўйлашибиз зарур.

Биз – кучли ҳалқимиз.

Асл тарихимизда қанча босқинчилик замон, очарчилик ҳамда бошқа талотўп ва қийинчиликларни бошдан кечирдик.

Сўнгги кунлардаги қайгули воқеалар биз учун яна бир синов бўлди. Уни енгиги, илгаридан ҳам кучли бўламиз.

Умуман, давлат ва жамият орасида муносабатларни трансформациялаш зарурати пишиб этилди.

Жамоавий шартноманинг янги шакли керак.

Қозоғистон сиёсий замонавийлашув йўналишини давом эттиради. Бу менинг қатъий нуқтаси назарим.

Сиёсий соҳада кўп ишлар амалга оширилди.

Мен томонимдан сиёсий ислоҳотларнинг тўрут пакети илгари сурилди, унинг жорий этилиши доирасида 10дан зиёд қонун қабулланди. Шу жиҳатдан тезкор ва сифатли иш учун Мажлис ва Сенат депутатларидан миннатдорман.

Намойишлар тўғрисида моҳиятан янги қонунчилик ишлаб бошлади.

Партияларни тузиш учун рўйхатдан ўтиш тўсиги ҳамда уларнинг Парламентта киришининг қуий миқдори пасайтирилди.

Мажлис ва маслаҳатларда хотин-қиз ва ёшларнинг вакиллiği кенгайтирилди.

Парламент муҳолифати институти киритилди, сайлов бюллетенларида “ҳаммага қаршиман” жадвали пайдо бўлди.

Мамлакат тарихида илк бор қишлоқ ҳокимларининг бевосита сайловлари ўтди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жиддий сиълишлар содир бўлди.

Жўмладан, Жиноят кодексининг 130 ва 174 моддалари декриминализацияланди ва инсонпарварлаштирилди.

Мамлакатимиз фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг Иккичи Факультатив баённомасига қўшилди.

“Қозоғистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бундан кейинги чоралари тўғрисида” Гармони имзоланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик ташкилоти тизимили равишда мустаҳкамлана бошлади.

Ўлим жазоси батамон бекор қилинди.

Сентябрдаги навбатдаги Мактубимда мен фуқаровий жамият ҳамда таҳлилчилар билан кенг ва конструктив мулоқот асосида тайёрланган сиёсий ислоҳотларнинг янги пакетини тавсия қиласаман.

Давлат ҳам ўзининг базавий функцияларининг тўлақонли ва сифатли бажарилишини таъминлаши керак.

Давлат қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилинини кафолатлаши, мулк ҳуқуқини, фуқаролар хавфсизлигини муҳофаза қилиши, ижтимоий фаровонлик ҳамда сифатли давлат хизматларини таъминлаши зарур.

Ўз навбатида бизнес ва фуқаролар қонунчиликка риоя қилиш ва жамоат тартиби мөъёларини сақлаш, солиқларни адолатли тўлаш ва меҳнат муносабатларида шаффоффликка маъсулларидар.

Шу муносабат билан босқичма-босқич ўзгаришлар дастурини шакллантириш керак бўлади.

Ҳукуматга масъул таҳлил кенгаши ҳамда фуқаролар жамияти билан бирга мақбул таклифлар пакетини тайёрлашни топшираман.

У жамоат ишончи Миллий кенгашининг йиғилишларидан бирида кўриб чиқилади.

Хурматли ватандошлар, ҳурматли депутатлар!

Яқинда бўлиб ўтган фожиали воқеалар вақтида фуқароларимизнинг мутлоқ кўпчилиги ватандарварлик, экстремистлар билан курашда бирлик намуналарини намоён этишиди.

Халқнинг яқдиллиги, эгамен ривожланиш ғоялари ва Қозоғистоннинг Мустақиллигига бўлган чинакам ишонч жамият бирлиги ҳамда мамлакат тараққиёти учун мустаҳкам пойдевордир.

Биргаликда барча қийинчиликларни енгиг ўтамиз!

Биргаликда янги Қозоғистонни барпо этамиз!

Кадрли ватандошлар!

Қийин кунлар ортда қолди.

Шу лаҳзада эл тақдири учун бирлаша олган ҳалқимга чинакам миннатдорчиллик билдираман!

Барчамиз бу воқеадан сабоқ олишимиз керак.

Энг муҳими, барака-бирликни, тинчлик ва барқарорликни сақлашимиз зарур.

Энди, Қозоғистонда тараққиётнинг янги даври бошланади.

Бу чинакам янгиланиш даври бўлади.

Егамен элимизни бирга ривожланирайлик!

Халқимиз учун Мустақиллик барчасидан бебаҳо!

Янги Қозоғистонни бирга барпо этайлик!

АНИҚ ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

5 январдан бошлаб мамлакат миёсида, хусусан, вилоятимизда фавқулодда вазият тартиби жорий этилди. Айрим чекловларнинг бўлиши, табиий ҳол.

Айрим шаҳарларда жиной гуруҳлар ҳуқуқбузарликка бориб, жамоат хавфсизлигини бузиши, бировларнинг молмulkini талон-тарож қилиши, одамларни ўлдириши. Алматида қуролланган кўпорувчилар ва қароқчилар ижтимоий иншоатларга, фуқароларга ҳужум қилиши, ахоли мол-мулкими вайрон қилиши.

Давлат раҳбари Қ. Тўқаев Парламент Мажлиси қўшма мажлисида иштирок этиб, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги долзарб масалаларни ҳал этиш юзасидан аниқ топширикларини берди.

Президентимиз мамлакатимиз фуқароларининг хавфсизлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қарорини ўз вақтида қабул қилди. Мамлакат раҳбари бир неча бор мамлакат ахолисига Мурожаат қилиб, фитнага учмасликка чақириди. Қозоғистон ҳеч қачон бу каби таҳлитдаги хавфга тўқнаш келмаган эди. Шу боис ҳам биз Президентимиз атрофига бирлашишимиз ва унга ишонишмиз даркор. Биз давлат раҳбарини кўплаб-куватлаймиз!

Низомхон СУЛАЙМОНОВ,
Қозоғистон Республикасида
хизмат кўрсатган қурувчи.



ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИГИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН!

– «Қўпорувчи ва талончилар қўлидан зарар кўрган шаҳарларни тиклаш – менинг бурчим», деб маълум қилди Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев. Давлат раҳбари Парламент Мажлисининг қўшма мажлисида Қозоғистон Республикаси Баш вазирилиги лавозимига Алихан Смайловни тайинлади.

Элбошининг муҳим қарорлари туфайли мамлакатимизда тартиб ўрнатилди, деб ҳисоблайман. Мен Президентимизнинг КР Парламент Мажлиси йигилишидаги маърузасини диққат билан тингладим ва Президентимиз қабул қилган барча чора-тадбирлар давлатимизда тинчлик ва осоиштирилган үрнатилишига хизмат қилишига ишонаман. Мамлакатимизнинг келажаги фақат тинчлик, тотувлик ва бирлиқ!

Энди юртимизда бу каби кўнгилсизликлар юз бермасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Турдали УСМОНОВ,
фаҳрий металлург.

Козоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” Конунининг 32-боби асосида

КОНУННИ ТУШУНТИРИШ

Қозоғистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолатлар тўғрисида” Конунининг 20-бобига мувофиқ, комендантлик соати қоидаларини бузган якка шахсларни полиция ходимлари ёки ҳарбий патруллар комендантлик соати тугагуничча, ўзи билан шахслини аниқловчи ҳужжатларни бўлмаган одамлар – уларнинг шахси аниқлангунга қадар ҳибса олинади (ички ишлар органи бошлигининг ёки унинг ўринбосарининг қарори бўйича 48 соатдан оширмай).

Ушланган одамлар ҳамда уларнинг олиб ўрган буюмлари ва транспорт воситалари текширилиши мумкин.

Фавқулодда ҳолат тартибининг кўрсатилган талабларни бузгани учун айборд шахслар жиной ва маъмурӣ жавобгарликка тортилади.

Жўмладан, ҳоқимият вакилининг қонуний талаби ёки ҳуқмига бўйсингаслик, шунингдек, фавқулодда ҳолат даврида ман этилган намойишга раҳбарлик қилиш ҳамда ташкилотларнинг фаолиятига халақит бергани учун Жиноят кодексининг (бундан кейин – ЖК) 379 ва 401-боблари бўйича 2 ийлгача озодлиқдан маҳрум этиш жазоси кўлланилади.

Фавқулодда ҳолат даврида ёлғон ахборот тарқатиш ЖКнинг 274-бобига мувофиқ 3 ийлдан 7 ийлгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фавқулодда ҳолат даврида куроласла, ўқ-дори, техника воситалари, ҳарбий техника ёки бошқа ҳарбий мулкни қасдан бузиш ёки ишдан чиқариш туфайли 10 ийлдан 12 ийлгача муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш кўзда тутилган (ЖКнинг 459-боби).

Фавқулодда ҳолат тартибини бузгани учун (Маъмурӣ-ҳуқуқ бузиш тўғрисида кодексининг (бундан кейин – МҲБТК) 476-боби), фавқулодда ҳолат даврида ҳуқуқ интизомини бузишга йўл қўйган ҳаракатлари учун (МҲБТКнинг 478-боби) маъмурӣ жавобгарликка тортлиб, 15 ва 30 кунгача ҳибса олинади.

Таъқидлаш жоиз, фавқулодда ҳолат даврида жиной ёки маъмурӣ ҳуқуқ бузилишининг содир этилиши оғир ҳолат ҳисобланади (ЖКнинг 478-боби, МҲБТКнинг 57-боби) ва бундай шахс қатъий жавобгарликка тортлидади.

Ушбу қонуний меъёрлар доирасида ҳуқуқни муҳофазалаш органлари фавқулодда ҳолат тартибининг ҳар қандай бузилишларининг йўлини кесиб, шунингдек, айборд шахсларни конунда белгиланган жавобгарликка тортлиш бўйича чоралар қабуллайдилар.

М. АЛИХАНОВ,
Туркистон вилоятининг прокурори.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ МАСЛАҲАТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

“Жамоат кенгашлари тўғрисида”

ҚР Конунининг 9-моддасига мувофиқ, Туркистон вилояти маслаҳати Туркистон вилоят жамоат кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида танлов ўтказилишини маълум қиласади.

Туркистон вилоятининг Жамоат кенгаши давлат органларининг вакиллари сафидан ҳамда танлов асосида – нотижоравий ташкилотлар вакиллари ва фуқаролар билан шакллантирилади.

Туркистон вилоятининг Жамоат кенгаши аъзолигига номзодларни нотижоравий ташкилотлар, фуқаролар, шу жумладан, ўзини-ӯзи тавсия қилиш ўйли орқали таклиф қила олади.

Жамоат кенгаши ваколати муддати уч йилни ташкил этади.

“Жамоат кенгашлари тўғрисида”

Қозоғистон Республикаси Конунининг 10-моддасига мувофиқ, Туркистон вилояти Жамоат кенгаши аъзолигига номзодларга кўйиладиган талаблар:

1. Қозоғистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган, Туркистон вилоят

ти ҳудудида доимий яшовчи фуқаро бўлиши керак.

Туркистон вилояти Жамоат кенгаши аъзолигига номзоднинг:

1) Қозоғистон Республикасининг қонунийлигида белгиланган тартиб

билан бекор қилинмаган ёки олинмаган судланганлиги бўлмаслиги;

ПРЕЗИДЕНТ ТҮҚАЕВНИНГ АҚҮРДАДАГИ 120 СОАТИ. БУ ҚАНДАЙ БҮЛДИ?

ҚР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАТБОУТ КОТИБИ БЕРИК УАЛИ БИЛАН МУСОҲАБА

— Хурматли Берик Уалиули, Давлат раҳбарининг сўнгги қарорлари ва муружаатларига доир блогоҳада турли хил мазмунда талқинлар ёритилмоқда. Бугун шу масалага доир баёнот бердигиз. Унга батафсилоқ тұхтасанғиз.

— Ҳа, Президентнинг қарорлари ва муружаатларига доир блогоҳада турли мазмундаги талқинлар күпайды. Шу боис, бугун маҳсус баёнот беришни лозим топдым. Сабаби, Қасим-Жұмарт Тұқаев — мамлакатимиздеги эң олий лавозимдаги шахс ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг Раиси. Шунинг учун Давлат раҳбари мустақил қарор қабуллайды. Конституцияйив тузумни бузишина күзлаган террорчиларнинг Қозоғистонга ҳужуми юз берган фюжиали кунларда ҳам шундай бўлган. Қасим-Жұмарт Кемелули ватандошларимизга йўллаган муружаатларини маслаҳатчиларининг ёрдаминосидек, яна бир бор таъкидламоқчиман: Давлат раҳбарининг фаолияти тўғрисидаги хабарни тарқатиш ва уни изоҳлашга Президентнинг Матбуот котибидан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққиёнт ўйқ. Яъни, фақат мен ахборот тарқатаман.

— Бир неча кун мобайнида элизимизда рўй берган фавқулодда воқеалар ҳамда террорчиллик ҳаракатлари шароитида Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаевнинг ҳар бир қарорини ҳалқ, ҳатто хорижий ахборот воситалари дикқат билан кузатиб боришиди. Бундай оғир пайтда Олий Бош қўмандондан ҳам осон бўлмагани аниқ. Президентнинг фаолияти ҳақида матбуот хизмати тарқататётган хабарлар билан танишиб, билиб боряпмиз. Ақўрдадан куну тун хабарлар келиб туриби. Шу кунларда Матбуот хизмати асосий ньюсмейкер бўлгани сир эмас. Айтингчи, Давлат раҳбари ҳозирги таҳликали кунларда қандай ахволда ишлайти?

— Президентимиз Қасим-Жұмарт Кемелули Тұқаев Мангистовда бошланиб, 4 январда қамрови көнтәйіб, сўнгти террорчиллик ҳаракатига айланган вақтдан эътиборан Ақўрдада ишлайти. Давлат раҳбари тўхтовсиз куну тун фаолияти юритиб, элдаги шароитни тўлиқ назоратида ушлаб туриби. Ўзларнинг кўриб турганингиздай, ахвол чигаллашган вақтда элни барқарорлаштириш учун дарҳол қатъий қарорлар қабуллаб, ҳалққа эфир орқали муружаатлар йўлламоқда.

— Ўзингиз айтиётгандай 4 январь куни кечга томон ахвол оғирлашиб, элни ваҳима босди. Ҳудди шу вақтда Ақўрдада қандай воқеалар рўй берди?

— Тунги соат 11-ларда Президентнинг юртимизда юзага келган вазиятни ҳалққа маълум қилиб, Мурожаат билан чиқиши маълум бўлди. Ишга 10 дақиқада етиб бордим. Ҳақиқатни айтиш жоиз, Давлат раҳбари компютерда тераётган котибасига матн сўзларини оғзаки айтиб турди.

Матбуот хизмати камераларни ўрнатиб, овозини созлаб, тезкор ҳаракат қилиб, Қасим-Жұмарт Кемелулининг Мурожаатини тасмага туширдик. Президентнинг ҳалққа Мурожаатини дарҳол Республика телеканалларига йўлладик.

Дастлабки Мурожаатида Давлат раҳбари: “Фуқаровий ва ҳарбий мақсаддаги хизмат иншоотларига ҳужум қилишга ундовчи шиорлар умуман қонунга хилоф. Бу – ноқонуний жиной ҳатти-ҳаракат. Ҳокимият қуламайди!”, – деб аниқ таъкидлadi.

Ўша вақтдан буён Президентдан бошлаб барчамиз иш ўрнимиздамиз. 5 кун бўлди. Ақўрдада тунаб, ишлаб, бир сўз билан айтиганда, шу жойдан хабар тарқатяпмиз. Раҳбарият резиденцияда элдаги



ахволни назорат қилиб, тезкор қарорлар қабулламоқда. Давлат раҳбари шундай синовли соатда ҳалқ билан бирга бўлман, деди, сўзида турди.

— Янги 2022 йилнинг ilk кунлари тарихимизнинг оғир онлари сифатида ёдда қолиши аниқ. Президентнинг мураккаб вазиятда тезкор ва дадил қарор қабуллаганини ҳалқ тўғри тушуниб, кўллов билдирилмоқда. Оғир кунлардаги Давлат раҳбари фаолиятининг хронологияси тўғрисида батафсилик гапириб берсангиз.

— Ҳа, тўғри айтасиз. Бу кунлар – ҳақиқатан ҳам ёддан чиқмайдиган тарихий лаҳзалардир. Айтиб ўтганимдек, Қасим-Жұмарт Кемелули вазиятни дарҳол назоратга олди. 5 январь кечаси тахминан соат 2да Мангистов вилояти ва Алмати шаҳрида Фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги Фармонни имзолади. Соат 5-30да мени Президент ҳузурига чақириб, соат 7-00да жадал ийғилиш ўтишини, ўзи Бош вазир Асқар Маминнинг истеъфосини қабуллаганини маълум қилид. Давлат раҳбари менга ийғилиш бошланган вақтда Ақўрданинг расмий сайтида Ҳукуматнинг истеъфоси тўғрисида дарҳол ҳабар беришим зарурлигини топшириди. Сўнг, 15 дақиқадан кейин, Давлат котиби этиб Ерлан Каринни, яна 15 дақиқа ўтиб, ДХҚ раисининг биринчи ўринbosари этиб Мурат Нурилеуни тайинлаш тўғрисидаги Фармонларга вактида зудлик билан эълон қилиниши зарур деган топширик берди. Сўнг менга: “Соат 6 бўлди. Бир соат вақтинг бор, пресс-релизларни тайёрлайвэр”, деди. Топшириққа мувофиқ, биз сайтимиз орқали хабарларни ҳалққа вақтида тарқатдик.

Президент элдаги ахвол мураккаблашиб бораётгач, шу куни тушки вақтда Нур-Султан шаҳри ва Алмати вилоятида Фавқулодда ҳолат жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилид.

Ўша 5 январь куни, тушдан сўнг Қасим-Жұмарт Кемелулининг Хавфсизлик Кенгаши Раиси бўлгани маълум бўлди. Эфир орқали ҳалқ олдига чиқиб, иккичи Мурожаатини эълон қилмоқчилигини айтиди. Мурожаатида Президент: “Бузгунчи гуруҳларнинг ҳаракатлари юкори даражада ўюштирилганини кўрояпмиз. Бу молиялаштирилган кўпорувчиларнинг атрофлича тайёргарлик кўрган режаси эканини исботлайди. Бу – бузгунчи ларнинг ярамас ҳаракати. Шунинг учун Давлат раҳбари ҳамда бугундан эътиборан Хавфсизлик Кенгашининг Раиси сифатида мумкин қадар қатъий ҳаракат этаман. Бу – ҳаётини ҳимоялашни илтимос қиласётган кўплаб фуқароларимизнинг хавфсизлигига алоқадор масала.

8 январга ўтар кечаси Давлат раҳбари ўзининг твиттердаги варақасига элдаги ахволни жаҳон ҳамжамиятига тўла тушунтирадиган инглиз тилидаги бир неча ахборотини эълон қилди. Эрталаб 8 яримда Терроризмга қарши штабнинг навбатдаги ийғилишини ўтказди. Кундуз Фавқулодда ҳолатлар вазири вазифасини бажарувчи Юрий Ильинни қабул қилди. Тушки танаффус пайтида Қасим-Жұмарт Тұқаев Россия ва Белорус президентлари билан телефон орқали сўзлашди. Шу куни “Террорчиллик актлари натижасида одамларнинг ҳалок бўлиши муносабати билан Қозоғистон Республикасида 2022 йили 10 январда умуммиллий мотам куни эълон қилинсин”, – деган Фармойишга имзо чекди. Кечга томон бир канча кадр тайинлашлар бўлди.

8 январда Давлат раҳбари террорчилликка қарши штабнинг навбатдаги ийғилишини ўтказди. Шу ийғилишда тартибсизликлар туфайли юзага келган заарларни ҳисоблаш учун Ҳукумат комиссиясини тузиши топшириди.

Бу каби тадбирларнинг оралиғида куч тизимларининг биринчи раҳбарларини қабуллаб, уларнинг хабарларини, хисоботларини тингламоқда.

Ҳозир ҳисоблаб кўрсақ, Давлат раҳбари 4 январдан буён 100 соатдан зиёд дам олмасдан, танаффусиз ишламоқда. Ўзингиз сезиб турганингиздек, сўнгги ҳафтадаги Президентнинг иш хронологиясини кўздан кечирсангиз, берилган топшириклар ва қабулланган қарорлар, ўтказилган ийғилишлар кундузги иш вақти билан чегараланмай, куну тун бирдек давом этмоқда.

— Шиҳоат билан меҳнат қилаётган Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев чин маънода кечасию кундузи элдаги ахволни шахсан назорат қилмоқда. Олдинда яна кўп ишлар кутуб туриби. Давлат раҳбари қаҷон дам олади?

— Элдаги ахволни кўриб турибиз. Энг оғир дамлар ортда қолгандек... Конституцияйив қонунчилик барча минтақаларда изга тушаётганини Давлат раҳбари маълум қилди. Албатта, ахвол Президент эл хавфсизлигини киприк қоқмай ҳимоялагани натижасида ўнгланмоқда. Ўзингиз Мурожаатида оғир вазиятда кўллов билдириган барча қозоғистонликларга миннатдорчилик билдириди. Сезишмча, мана шу мураккаб кунларда Қасим-Жұмарт Кемелули бир кечакундузда 1 ёки 2 соатина мизғиб, меҳнат қилмоқда. Масалан, бир-икки кун бурун тонгги ийғилишдан аввал: “Бугун 2 соат дам олдим, бунинг ўзи яхшиликтан нишона”, – деган эди.

— Жамоавий хавфсизлик шартномаси ташкилоти тўғрисида сўрагим келади. Тинчликпарвар кучларининг вазифаси нималардан иборат?

— Жамоавий хавфсизлик шартномаси ташкилоти тинчликпарвар кучларининг асосий вазифаси – стратегияйив иншоотларни муҳофаза қилиш. Стратегияйив иншоотларни ЖХШТ ҳарбийлари муҳофаза қилгани учун, бизнинг қуролли кучларимиз Алмати шаҳри ва Алмати вилоятида эркин ҳаракат қилиб, қўпорувчиларни йўқотишига бел боғлашди. Вазият изга тушгач, улар ўз элларига қайтади. Фурсатдан фойдаланиб айтиб кетай, Давлат раҳбари ташаббуси билан ЖХШТ-нинг навбатдан ташқари сессияси онлайн шаклда ўтади. Шу ийғилишда Президент элимиздаги бугунги ахвол бўйича касбдошларига тўлиқ маълумот беради. Президент айтанидек, ёлғон хабарларга ишонмай, фақат расмий маълумотга ишонинг, дегим келади.

ТУРКИСТОНЛИКЛАР АЛМАТИДА ҲАЛОК БҮЛГАН ЁШ АСКАРНИ СҮНГГИ САФАРГА КУЗАТИШДИ

Алмати шаҳридаги террорчилек ҳаракатига қарши курашда Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик құмитаси Чегара хизмети ақадемиясынинг 2-босқыч курсанттарынан Даулет Баиржанулы мәрдларча ҳалок бүлди. Құрсағтан жасорати эътиборга олиніб, унға ҚР Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаевнинг Фармонына би-ноан III даражада “Айбын” ордени берилди. Ватан олдидаги бурчига содик қолиб, давлат яхлитлигини сақлаш йўлида мәрдларча ҳалок бүлган ёш аскарнинг жасади туғилған юрти – Туркестон вилояти, Сариоғоч туманинга етказилиб, ҳамюртлари уни сүнгги сафарга кузатиб қўйиши.

“Халқ қаҳрамони” Бақитжан Ертаев бу йўқотиш фақат оиласыннан эмас, балки ҳалқнинг қайғуси эканлигини таъкидлади. Сариоғоч тумани ҳокими



дўст-ёрлари, ҳамкаслари хотирасида узоқ вақт сақланади, – деди туман ҳокими.

Даулет Жупарбеков 2002 ийл 1 декабрда Сариоғоч туманида туғилған. Тўлибай ботир номидаги умумий ўрта мактабни тамомлаб, Алмати шаҳридаги Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик құмитаси Чегара хизмети



Мухит Ўтаршиев, эл оғалари, ҳарбий командирлар, маҳаллий ахоли марҳумнинг оиласынан қамддардик билдириши.

– Даулет – ўз юртининг ҳақиқиетине қарашада, қа-самёдига содик, ўртоқлари орасида ҳурматтаға сазовор, келажаги порлоқ инсон эди. Ўрни тұлmas оғир жудолик, қайғунғизга ҳамдардман, чукур таъзия билдираман. Даулет яхлитлиги йўлида вафот этган қаҳрамоннинг хотираси ҳалқи,

академиясига ўқишига кирған. Оилада иккинчи фарзанд. Марҳумнинг ортида ота-онаси, опаси ва иккى укаси бўзлаб қолди.

Жамоат осойишталиги, давлат манфаати йўлида қаҳрамонлик кўрсағтан хотиради порлоқ инсон эди. Ўрни тұлmas оғир жудолик, қайғунғизга ҳамдардман, чукур таъзия билдираман. Даулет яхлитлиги йўлида вафот этган қаҳрамоннинг хотираси ҳалқи,

Туркестон вилояти ҳокимининг матбут хизмати.

“ХАЛҚ ПОСБОНЛАРИ” – ОЛДИНГИ САФДА



ШАҲИДЛАР РУҲИГА ҚУРЬОН БАҒИШЛАНДИ

ҚР Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаев давлаттимизда юз берган фоjeалар оқибатларидан одамларнинг ҳалок бўлиши туфайли 2022 йилнинг 10 январини Умуммиллий мотам куни деб эълон қилди. Туркестон вилояти ахолиси ҳам оғир даврда шаҳид бўлган тартиб соқчилари, аскарлар ҳамда тинч ахолининг руҳига Қуръон бағишилди.

Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг Туркестон вилояти бўйича вакил-имоми Еркебулан Қаракулов юртдаги оғир вазиятдан бирлек ва сабр илича олишишимизни айтиб, юрт учун шаҳид бўлган баҳодирларнинг номи ҳалқ хотирасида абадий сақланишини таъкидлади.

Туркестон вилояти ҳокимининг матбут хизмати.



ҲАЛОК БҮЛГАН ҲАМКАСБЛАРИНИ ХОТИРЛАДИ



Туркестон вилояти Полиция департаментининг ҳодимлари юрт осойишталиги йўлида қурбон бўлган ҳамкасларни бир дақиқалик сукунат билан хотиrlab, гулчамбарлар кўйиш тадбирини ўтказиши.

Хотира тадбирида вилоят Полиция департаменти бошлигининг ўринbosари, полиция полковники Бағлан Халиқов шундай деди:

– Юртимизда рўй берган кўпурвичлик ҳаракатлари туфайли талай мәрдларимиз ҳалок бўлди. Бугунги кунда мотам тутаётган бирордларимизга ҳамдардлик билдирамиз. Жиноятга қарши курашда доим олдинги сафда юрган, ўз ҳаётини хавф-хатарга тиккан полициячиларнинг ҳуқуқий интизомни таъминлашга кўшган ҳиссаси чексиз. Хизмат бурчани адо этиш жараёнда ҳалок бўлган ҳамкасларимизни хотиrlash ва эҳтиром кўрсатиш – бизнинг бурчимиз. Шунингдек, биз ички ишлар органларининг ҳодимлари жиноят-

чиларни қўлга олишга, уларнинг Қозоғистон ҳалқига қарши қилган жиноятлари учун жазога тортилиши йўлида барча чораларни қўллаймиз, – деб таъкидлади.

Полициячилик – ҳар куни ишга чиқиш олдидан нима кутиб турганини билмайдиган хавфли соҳалардан бири. Шунга қарамай эл кўргони бўлган полициячилар берган қасамёдларига содик қолишиб, бенуқсон хизмат қилишишоқда. Ҳатто ватани учун жонини фидо қила олишларига ушбу ҳолатлар далил бўлмоқда. Юртимизнинг қаҳрамонлари, осойишталик посбони бўлган полиция ҳодимлари омон бўлишиш.

Туркестон вилояти ҳокимининг матбут хизмати.

ҚОЗОҒИСТОННИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

Биз Қозоғистоннинг аянчли воқеалардан тезроқ ҳалос бўлишини қўллаб-қувватлаймиз. Бу ҳақда Буюк Британиянинг Қозоғистондаги элчиси Кэйті Лич ижтимоий тармоқдаги Твиттер саҳифасида маълум қилди.

– Сўнгти ҳафтада Қозоғистон ахолиси дуч келган зўравонлик ва вайронагарчиликлардан ҳайратдаман. Бошқа шаҳарлар ҳам шиддатли ҳужумларга учраган. Миллий Мотам кунида Жаноби Олиялари ҳукумати номидан фожиали ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдираман. Биз Қозоғистонни ушбу аянчли воқеалардан ҳалос бўлишини қўллаб-қувватлаймиз, – ёзади Буюкбританиянинг Қозоғистондаги элчиси Кэйті Лич.



Элдаги фавқулодда вазиятга доир Туркестон вилотида “Халқ посбонлари” кўнгиллилар гурухи тузиленди. Бугунги кунда ҳалқ фаоллари, таникли спортчилар ва спорт мактаблари устозлари ҳамда ўзга соҳа мутахассисларидан иборат кўнгиллилар таркиби минтақанинг барча туман, шаҳарларида фаолият юритмоқда.

“Халқ посбонлари” вилоят полиция департаментининг вакиллари билан тигиз алоқада фаолият юритади. Кўнгиллилар вилоятлараро блок бекатлардаги посбонларга иссиқ таом тарқатишмоқда. Шунингдек, улар фуқароларни комендантлик тартибига риоя қилишига чақириб, ахоли манзилларидаги тушунтириш ишларидаги ҳам кўмаклашишмоқда.

Туркестон вилояти ҳокимининг матбут хизмати.

Сайрам тумани марказидаги А. Исмоилов номли касб-хунар коллежида вилоят “Жанубий Қозоғистон” газетаси ташаббуси билан Қозоғистон Республикаси Мустақиллиги ҳамда “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 30 йиллиги, қолаверса, “Дўстлик байроғи” – “Жанубий Қозоғистон” газетаси ривожига ҳисса қўшган шоир, жамоатар арбоби Ирисали Жуманов жамоатчи мухбирлар Аҳмадниёз Наметов, Октябрь Тожибоев, Махмад Юнусовларнинг хотирираси гагишиланган тадбир ўтди.

Газетанинг бош мухаррири Алишер Сотволдиев меҳмонларни Истиқлол ва газетанинг 30 йиллиги билан табриклаб, барчага соглик ва фаровонлик тилади.

Туман согликни сақлаш соҳасида хизмат кўрсатган ҳодимлар К. Идрисов, С. Абдазимов, Н. Ирисалиев, Р. Шодиев, З. Бегжонова пандемияга қараш курашдаги қўшган ҳиссаси учун Қозоғистон Республикаси Согликни сақлаш вазири ўринбосарининг ташаккурномаларини топширди. Шунингдек, туманни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, қолаверса, ҚР ҳамда “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 30

йиллиги муносабати билан вилоят Nur Otan партияси фракцияси аъзо-си, вилоят маслаҳати депутатлари Д. Егамбердиева, туман маслаҳати депутатлари А. Узоқова, Л. Мала-баева, У. Үразбаева ва саноат-инновацион коллежи директори Н. Нурикенова, А. Исмоилов номидаги касб-хунар коллежи директори Г. Исмоилова, шунингдек, тадбиркор А. Айкан, “Транспорт ва логистика” МЧБ директори Х. Муҳиддинов, “Манкент” мактаби директори Ҳ. Ўрмонов, хусусий тадбиркор Н. Юсвалиев, 45-сонли “1 Май” мактаби директори Ш. Олимовларга таҳририят ташаккурномаси ва совгаларини топшириди.

Тадбир сўнгига вилоят маслаҳати депутати Д. Егамбердиева касб-хунар коллежи фаолияти билан танишаркан, мусассаса мавжуд моддий-техника базаси билан чинакам мутахассисларни етишириш имкони мавжудлигини юқори баҳолади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбари.



• Обуначиларимиз орасида

“ТУРОН” МАКТАБИ ИЛГОР УЧЛИКДА



Қорачик қишлоғидаги Аҳмаджон Аҳмедов раҳбарлик қилаётган “Турон” мактаби жамоаси “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасига обуна бўйича Саврон туманида пешқадам жамоалар қаторида. Мактаб жамоаси 110 нусхага обуна бўлса, фаол устозлардан Хўжааҳмад Исматуллаев ҳам 20 нусхага обунани ташкил этиб ҳиммат кўрсатаётганига кўп йиллар бўлди. Мактабга ташриф буюриб А. Аҳмедов ва X. Исматуллаевни байрам билан муборакбод этдим.

Таҳририят номидан ташаккурномалар тақдим этидим (тасвирда). X. Исматуллаевга вилоятимиз ўзбек мактабларига “Алифбе” китобининг етказиб берилишига жонкуярлик қилган маърифатпарвар укаси, Алмати шаҳрида-

ги таникли тадбиркор Абдулла Исматуллаевга ташаккуримизни етказишини илтимос қилиб миннатдорчилик билдиридим. Ўз навбатида директор А. Аҳмедов ташкилотчи устоз X. Исматуллаевнинг мактаб ўқувчиларини тест синовларига тайёрлашда, билимларининг мустаҳкам бўлишида ҳиссаси мўл эканлигини ифтихор ила таъкидлади.

Қорачик қишлоғи имоми Усмон Шарипов обунани мактаб кутубхонаси орқали расмийлаштириб ўқувчи ўғли орқали кутубхонадан олдириб ўқидиган бўлди. Давлатимиз сиёсатини она тилимизда халқимизга етказаётган нашрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.



ИСТИҚЛОЛ- ИФТИХОРИМИЗ

Мустақиллик байрами – давлатимизнинг 30 йиллиги ҳақиқатдан ҳам теран маъноли ва кенг қамровли. Шу йилларда бизнинг Саврон тумани таркибида Чипон қишлоғида янги замонавий мактаб биноси курилиб, ишга туширилди.

Тажрибали устоз Анвар Жумадуллаев раҳбарлик қилпайтган ушбу таълим масканида 618 ўқувчи таҳсил олмоқда. Камина шу мактабда директорнинг тарбия ишлари бўйича мувонинман. Умр йўлдошинг Файрат Баҳодир ўғли билан Турсуной, Зарнигор, Диёрбек, Ойшаларни тарбиялаб, вояга етказмоқдамиз. Давлатимиз томонидан ҳар кимнинг ўз истаги – иқтидорига мувофиқ – ким ўқийман, деса, олий ўқув даргоҳи, ҳунар ўрганаман деса, коллежлар ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаман, деганларга барча шароитлар мухайё.

Тинч, осойишта ҳамда бунёдкорона ҳаёт асосини таъминлаётган давлатимизга, Элбошимиз ҳамда Президентимизга ташаккур.

Соҳиба МИРЗАРАИМОВА,
“Чипон” умумий ўрта мактаби .

Директор – Бош мухаррир – Алишер Фофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош мухаррир
ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шаҳслар:

Туркистан, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Казигурт – Хуршид КЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам – Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкибош – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис: Туркистан вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва бидиргурлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғлилиги учун миаулифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдор.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистан шаҳри, “Жана қала” кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-кават. Телефон: 53-93-17.
Телефон: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44, +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелдан рўйхатта олиниб, KZ34VRPU00022503 гувохнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466
Адади – 12215

Буорта:
Навбатчи мухаррир: Мунира САҶДУЛЛАЕВА.



• Саломатлик – туман бойлик

ДИНОРА ШИФОКОРДАН МИННАТДОРМАН...

Нафақа ёшига етиб, кексалик етиб келгач, инсон саломатлиги юзасидан шифокорларга кўпроқ мурожаат этар экан.

Мен, узок йиллар мобайнида давлат ҳамда маориф соҳасида меҳнат қилган нафақадаги фахрий сифатида яқинда Туркистан шаҳридаги “Ақмарал” клиникасида даволандим. Шифокор невропатолог Динора Жумадулла қизи (тасвирда) тўғри ташхис қўйиб даволагач, соғайиб, саломатлигим тикланди. Ташаккурим чексиз. Шунингдек, жамоада меҳнат қилаётган ҳамширалар Элмира Абдураҳмонова, Гулжан Ағабекова, Жазира Ўралова, Муниса Салимоваларнинг меҳнатлари таҳсинга лойик.

Шу ўринда тажрибали, эл олқишига сазовор бўлаётган Динора Жумадулла қизи Умарова ҳақида тўхтатсан. Туғилиб ўсган қадрдан Қорачик қишлоғидаги “Турон” ўрта мактабини аълоға тамомлагач, Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро қозок-турк университети тиббиёт кул-

лиётида таҳсил олди. Шифокор сифатидаги меҳнат фаолиятини Туркистан шаҳридаги “Талғат” клиникасида бошлаб “Санитас” шифохонасида малака ошириди. 2009 йилдан бўён “Ақмарал” клиникасида самарали меҳнат қилиб юзлаб беморларнинг дарддан фориг бўлишига билими, тажрибаси, ҳамда шифокорлик ихлоси билан ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Умр йўлдоши Ислом Аҳмедов билан қобил фарзандлар тарбиялаб, вояга етказмоқда.

Яқинда Динара Жумадулла қизи “Халқ эҳтироми” ордени билан тақдирланди. Мукофот муборак бўлсин.

Хайрулла ШОМУРОДОВ,
Туркистан вилоятининг
ибратли фуқароси.